



## Албатта, Аллоҳ рашк қилади. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилмоғидадир », дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, Аллоҳ рашк қилади. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилмоғидадир », дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло рашк қилиши, нафрат қилиши ва ёмон кўришини хабар бердилар. Мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган зино, лўттибозлик, ўғрилик, ароқ ва бошқа фаҳш ишларни қилиши Аллоҳ таолонинг рашки келишига сабаб бўлади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3354>

